

**Олий таълим хизматларини кўрсатиш бўйича лицензия талаблари**

<b>T/ p</b>	<b>Лицензия талаблари ва шартлари</b>	<b>Бажарилиши кўрсаткичлар</b>	<b>лозим</b>	<b>бўлган</b>	
1.	Муассисни нг банқдаги хисобварағида мавжуд бўлиши лозим бўлган маблағнинг минимал миқдори: <sup>*</sup>		150 минг АҚШ доллари ёки шу миқдор эквивалентидаги маблағ.		
2.	Ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси билан таъминланганлиг и: <sup>*</sup>		a) камидаги 60 та компьютер техникиси билин жиҳозланган электрон кутубхона; б) камидаги 20 та компьютер техникиси, сканер ва нусха кўчириш аппарати билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази; в) таълим олувчиларнинг ҳар бир фандан ўқув адабиётлари (дарсликлар, ўқув қўлланмалари) билан таъминланганлиги: бакалавриат босқичида — ҳар 6 нафар таълим олувчига 1 дона; магистратура босқичида — ҳар 2 нафар таълим олувчига 1 дона; г) лаборатория ишлари ва курс лойиҳалари учун методик қўлланмалар билан таъминланганлиги — ҳар бир таълим олувчига 1 дона; д) электрон дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан таъминланганлиги — 100 %; ҳар бир таълим олувчига камидаги 5 тадан бадиий адабиётлар; ҳар бир ўқитувчига ўқув қўлланма ва қўшимча адабиётлар.		
3.	Таълим олувчиларнинг минимал ва максимал сони: <sup>*</sup>		гуруҳда — 20 — 30 нафар; потоқда — 40 — 90 нафар. Ўқув биноларининг умумий қувватига нисбатан барча таълим шакллари бўйича таҳсил олаётган жами талabalар сони 2 баравардан ортиб кетмаслиги.		
4.	Таълим олувчилар сонига тўғри келадиган		12 — 16 нафар таълим олувчига 1 штат бирлиги.		

	ўқитувчилар штат бирликлари: <sup>*</sup>	
5.	Олий таълим ташкилотидаги ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти даражаси ва қўнимсизлигини нг олди олинганлиги: <sup>*</sup>	<p>а) илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг минимал улуши:</p> <p>бакалавриат босқичида — 35%;</p> <p>магистратура босқичида — 60%;</p> <p>олий таълимдан кейинги таълим босқичида — 90%;</p> <p>б) асосий штатдаги ўқитувчилар улуши — 70%.</p>
6.	Кафедрадаги ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти даражаси ва ўқув фанларига мувофиқлиги: <sup>*</sup>	<p>тўлиқ ставкада ишлайдиган ўқитувчилар сони камида — 4 нафар;</p> <p>фан номзоди ёки фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) — 1 нафар;</p> <p>фандоктори (Doctor of Science (DSc) — 1 нафар;</p> <p>ўқитувчиларнинг таянчолий маълумоти (мутахассислиги, ихтисослиги) уларнинг дарс берадиган ўқув фанларига мувофиқ бўлиши.</p>
7.	Олий таълим ташкилотининг ҳудудига қўйиладиган талаблар: <sup>*</sup>	<p>девор ёки панжара билан ўралганлиги;</p> <p>кўкаламзорлаштирилганлиги;</p> <p>тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги;</p> <p>ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги;</p> <p>стадион (спорт таълим йўналишлари мавжуд бўлса) ва дам олиш қисмларининг мавжудлиги.</p>
8.	Таълим соҳалари бўйича олий таълим ташкилотининг ҳудудида ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган майдон ўлчами: <sup>*</sup>	<p>техника ва муҳандислик — 11,2 — 19,4 м<sup>2</sup>;</p> <p>педагогика — 8,7 — 14,5 м<sup>2</sup>;</p> <p>фармацевтика — 11,2 — 19,4 м<sup>2</sup>;</p> <p>иқтисодиёт — 7,9 — 13,1 м<sup>2</sup>;</p> <p>тиббиёт — 12,3 — 22,0 м<sup>2</sup>;</p> <p>қишлоқ хўжалиги — 11,2 — 19,4 м<sup>2</sup>;</p> <p>зооветеринария — 11,4 — 20,5 м<sup>2</sup>;</p> <p>маданият — 15,0 — 26,0 м<sup>2</sup>;</p> <p>санъат ва архитектура — 20,0 — 33,8 м<sup>2</sup>;</p> <p>бошқа йўналишлар бўйича — 8,7 — 14,5 м<sup>2</sup>.</p>
9.	Олий таълим ташкилотидаги	<p>а) маъмурият учун:</p> <p>ректоратдаги барча маъмурий-бошқарув жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган</p>

	хоналар ҳамда ҳар бир таълим олувчи ёки ходимлар учун ажратиладиган минимал майдон ўлчами:*	хоналар — 1 тадан хона; б) дарс машғулотлари учун: ўқув аудиториялари — 2,2 м <sup>2</sup> ; компьютер зали (синфи) — 4 м <sup>2</sup> ; чет тили хонаси — 2,4 м <sup>2</sup> ; умумназарий ва умумтаълим лаборатория хоналари — 4 м <sup>2</sup> ; техник ва маҳсус лабораториялар — 6 м <sup>2</sup> ; алоҳида кабиналарга ажратилган фонозаллар — 3 м <sup>2</sup> ; ўқув-техник воситалар билан жиҳозланган ўқув аудиториялари — 2,4 м <sup>2</sup> ; курс лойиҳаси ва малакавий битириув ишларини бажариш заллари — 3,6 м <sup>2</sup> (архитектура-қурилиш ва бадиий ОТТлар учун — 6 м <sup>2</sup> ); кутубхона — 0,6 м <sup>2</sup> ; спорт зал (таълим олувчилар сонига кўра) — 12,0x24,0 м; 18,0x36,0 м; в) қўшимча хизмат кўрсатиш учун: фаоллар зали; ошхона (буфет); тиббиёт хонаси; таълим олувчилар турар жойи — Тошкент шаҳри учун ҳар 5 нафар таълим олувчига 1 ўрин (жой) нисбатида, бошқа ҳудудларда ҳар 10 нафар таълим олувчига 1 ўрин (жой) нисбатида.
.	10 Ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси:*	камида 75 % компьютер техникалари 20 мбит/сек тезлиқдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлиги; камида 50 % ҳудудда Wi-Fi зоналар ташкил этилиши.
.	11 Ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар:*	проектор ёки ўлчами 1500x1000, 1500x2000, 2500x2000 бўлган электрон ёхуд оддий доска — 1 дона; аудиториянинг ёритилиш даражаси — 400 люкс.